

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

5-6-сон
(41-42)
2002 й.
март

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;
иккинчи бўлимдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;
учинчи бўлимдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;
тўпламнинг тўртинчи бўлимидаги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

37. «2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 мартағи ПФ-3045-сон Фармони
38. «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартағи ПФ-3047-сон Фармони

Учинчи бўлим

39. «Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 мартағи 74-сон қарори
40. «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартағи 77-сон қарори
41. «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартағи 88-сон қарори
42. «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун хисоб-китоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 мартағи 90-сон қарори

44. «Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш фаоллаштирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 мартағи 97-сон қарори
45. «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартағи 99-сон қарори
46. «Ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 мартағи 106-сон қарори

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

37 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадларини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта маҳсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси худудида:
 энг кам иш ҳақи — ойига 3945 сўм;
 ёшга доир пенсия — ойига 7800 сўм;
 ягона тариф сеткаси бўйича бошлангич (нулинчи) разряд ойига 3945 сўм;
 болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа ойига 7800 сўм;
 зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 4725 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оиласаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошка тўловлар 2002 йил 1 апрелдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиқсан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишини таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ ҳаражатлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2002 йилги Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳаражатларига тегишли тузатишлар киритсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий фондининг белгиланган миқдорларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан 2002 йил 1 апрел-

дан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофик оширсинглар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 29 июндаги ПФ-2893-сон Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 26 март,
ПФ-3045-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

38 Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Пул массасини бошқаришни такомиллаштириш, банкдан ташқари айланмани қисқартириш, молия интизомига риоя этиш ва олинган кредитларни ўз вақтида қайтариш масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларини муомалага чиқариш тўғрисидаги таклифи маъкуллансин.

Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари давлат қимматли қофзлари хисобланади ва юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг ликвидлиги Марказий банк тасарруфидаги барча активлар билан таъминланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Марказий банк облигацияларини чиқаришнинг асосий шартларини бир ой муддатда ишлаб чиқсан ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда тегишли норматив-методик ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқласин;

пул массасини тезкор бошқариш мақсадида валюта ва пул депозитлари, давлат қимматли қофзлари ва бошқа биринчи тоифали активлар таъминоти остида, пул бозорида вужудга келётган фоиз ставкалари асосида тижорат банкларига уч ойгача бўлган муддатга кредитлар берсин ва жалб қилсин.

3. Ўзбекистон Банклар уюшмаси, тижорат банкларининг пластик карточкалар бўйича миллий ва хорижий валюта хисоб-китоблар ўтказишни таъминловчи Ягона банклараро процессининг марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Тижорат банклари пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган банкоматлар ва жиҳозларни импорт қилишда божхона тўловлари

(божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан 2005 йил 1 январгача озод қилинсин.

4. Тижорат банклари:

маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда иш ҳақи тўлашда, чакана савдони амалга оширишда, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловда якка тартиbdаги ва корпоратив пластик карточкаларни кенг жорий этиш, аҳолига хизмат кўрсатувчи минибанклар, банк кассалари ва банкоматлар тармоғини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрсинг;

ликвидли мол-мулкларни, шу жумладан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини, транспорт воситаларини ҳамда корхона ва ташкилотларнинг бошқа ликвидли активларини гаровга қўйган ҳолда кредитлар бериш амалиётини кенгайтирунис;

кредитлар беришда таваккалчиликни ва гаровнинг бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қайтаришилик, муддатлилик ва ўзини ўзи қоплаш тамоилилларига қатъий риоя қилсан;

кредитлар муддатини узайтириш амалиётини кескин чекласин, фақат кечиктирилган муддат даврида қайтарилиши учун маблағлар тушишининг аниқ манбалари бўлган кредитларнинг тўлов муддатини кечиктиришга руҳсат берсинг.

5. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредит бўйича уларнинг мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулк, қарз олувчининг розилигидан қатъи назар, кейинчалик сотиш хуқуқи билан банк мулкига ўтади.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредитлар бўйича қарзлар ўз вақтида қайтарилимаган тақдирда тижорат банкларига:

қарздорларнинг иккиласми ҳисоб рақамига, шу жумладан уларнинг бошқа банкларда очилган иккиласми ҳисоб рақамига ижро этилиши мажбурий бўлган инкассо талаблари қўйиш;

Хукумат кафолати остида берилган кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш учун пул маблағларини ҳисобдан чиқаришни иш ҳақи, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар навбати билан ўтказилгандан сўнг амалга ошириш;

қарздорнинг пул маблағлари етишмаган тақдирда кредит бўйича қарзларни қарздорнинг розилигига кўра унинг ликвидли мол-мулки ҳисобидан ёки хўжалик суди орқали қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ўйли билан ундириш хуқуқи берилсан.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди банк кредитлари бўйича қарзлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда ундиришни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

6. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари зиммасига кредит ресурслари ҳисобидан амалга оширилётган инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш экспертизадан ўтказиш ва амалга ошириш бўйича қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳамда қарз маблағларининг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсан.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда Молия вазирлиги томонидан тижорат банклари кредитларининг таъминоти учун берилган кафолатларни бажариш механизми тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсан ва белгилangan тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлашнинг ягона шартларини шакл-

лантириш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида янги ташкил этилаётган хусусий тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдорига бўлган талабни 1,25 млн. АҚШ долларининг сўмдаги эквиваленти ҳажмида белгиласин.

2002 йилнинг 1 июнидан бошлаб тижорат банклари томонидан ўз маблағларини ва жалб этилган маблағларни ички активларга жойлаштириш миқдори тўланган устав капитали ва банкнинг ички мажбуриятлари миқдоридан кам бўлмаслиги тўғрисидаги талабни жорий этсин.

8. Ҳўжалик юритувчи субъектларга шакллантирилган устав жамғармаси миқдоридан ортиқ бўлмаган ҳажмда ўз облигацияларини чиқариш ҳуқуки берилсан.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йилнинг иккинчи яримидан бошлаб ҳўжалик юритувчи субъектларнинг, биринчи навбатда республиканинг молиявий аҳволи барқарор, юкори ликвидли активларга ва катта миқдордаги пул оқимларига эга бўлган йирик корхоналари ва компанияларининг корпоратив облигацияларини чиқариш чора-тадбирларини кўрсинг.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

конун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсан;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

10. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Т. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 30 март,
ПФ-3047-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

39 Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 26 февралдаги ПФ-3038-сон Фармонига мувофиқ ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти учун зарур қуладай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятига амалий ёрдам қўрсатиш бўйича ишлари қониқарсиз деб эътироф этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ахолига коммунал хизмат қўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ой муддатда уйлар атрофидаги ер участкалари ширкатларга улардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаларини берган ҳолда қонунчилик тартибида бириктириб қўйилишини таъминласинлар, шунингдек уларни ишлаб чиқариш фаолияти учун турар жойга мўлжалланмаган бинолар билан таъминласинлар;

уй-жой фондида таъмирлаш-тиклаш ишлари таннархини пасайтириш мақсадида уй-жой мулкдорлари ширкатларини зарур моддий-техника ресурслари билан пулли асосда, марказлаштирилган тартибида таъминласинлар;

турар жойларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашни амалга оширишда газ, иссиқ ва совуқ сувни ҳисобга олиш квартира приборлари мажбурий тартибида ўрнатилишини таъминласинлар;

турар жойларни реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун пудратчиларни танлаш бўйича қонун хужжатларига мувофиқ танловлар (тендерлар) ўтказилишини ташкил этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2003-2006 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантиришда 1991 йилгача курилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини ва умумий равища фойдаланиладиган жойларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари учун ажратиладиган марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимити умумий ҳажмининг 3 фоизигача миқдорда маблағ ажратсинлар;

йил чораги якунлари бўйича маҳаллий бюджетлар даромад қисми маблағларининг прогноздан ортиқча тушумларининг бир қисмини 1991 йилгача курилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини ва умумий равища фойдаланиладиган жойларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашга йўналтирасинлар;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

уйлар атрофидаги худудларни ободонлаштириш, мавзелар ичидаги йўллар, йўлаклар, ирригация тизимларини таъмирлаш, ташки ёритиш ва уй-жой мулкдорлари ширкатларига бириктирилган зоналарни кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш учун бюджетдан ташқари маблағлар ва бошқа манбалар жалб этилишини таъминласинлар.

4. Белгилансинки, уй-жой мулкдорлари ширкатлари умумий йиғилишнинг розилиги билан фаолиятдан олинган даромадларини кейинчалик уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини ва умумий равишда фойдаланиладиган жойларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун маҳсус депозит ҳисоб рақамига мақсадли йўналтирган ҳолда спорт-соғломлаштириш ва болалар ўйинлари марказлари ва майдончалари куриш ва улардан фойдаланишни пулли асосда амалга оширишлари мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк, Давлат солик қўмитаси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кўшимча фаолият турларидан олган даромадларининг маҳсус депозит ҳисоб рақамига тушиши ва улардан фойдаланиш тартибини;

1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини ва умумий равишда фойдаланиладиган жойларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Тижорат банкларига уй-жой фондини мукаммал таъмирлашда мақсадли фойдаланиш учун уй-жой мулкдорлари ширкатларига имтиёзли кредитлар ажратилишини назарда тутиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда уй-жой мулкдорлари ширкатларига имтиёзли шартларда кредитлар ажратиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва қабул қиласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган 1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини ва умумий равишда фойдаланиладиган жойларини мукаммал таъмирлаш жадвали иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

8. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Марказий банки билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг буюртманомаларига биноан 2002 йилнинг биринчи ярим йили мобайнида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилётган ислохотлар, молия-хўжалик фаолиятини юритиш масалалари бўйича уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқарувлари раислари ва бухгалтерларининг ўқишини ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Махкамасига ушбу қарорга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив-хукукий ҳужжатларга ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсан.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 1 март,
74-сон

* Илова берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

40 Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 20 февралдаги ПФ-3029-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар сифатига қўйилган замонавий талабларга мувофиқ илмий-техника ва инновация фаолиятини янада ривожлантиришни, шунингдек мамлакатнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қуидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Фан ва технологиялар марказининг, шунингдек Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўtkазиш кенгашининг тузилмаси ва штатдаги ходимларининг чекланган сони 2 ва 3-иловаларга мувофиқ;

Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроқитисодиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда:

Фан ва технологиялар маркази ҳамда Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўtkазиш кенгаши тўғрисидаги низомларни икки хафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ташкил этиш ва маблағ билан таъминлашнинг грантли тизимини амалга киритиши таъминлаш мақсадида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар, технологик ишланмалар ва мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг давлат устуворликларига мувофиқ бўлган инновация лойиҳалари дастурларини шакллантириш, тақдим этиш, экспертизадан ўtkazish ва тасдиқлаш тартибида доир норматив хужжатларни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази директори мақоми, моддий ва майший таъминот шароитлари бўйича вазирга, Мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўtkazish кенгаши раҳбари ҳамда Марказ директорининг ўринbosари эса вазир ўринbosарига тенглаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2002 йилдан бошлиб Фан ва технологиялар маркази ҳамда Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўtkazish кенгаши таъминоти учун зарур маблағларни белгиланган тартибда назарда тутсин.

5. Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда бир хафта муддатда тугатиш комиссияси тузсин ва Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси балансида бўлган асосий фонdlар, мол-мулклар ва моддий бойликларни Фан ва технологиялар марказига ҳамда Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўtkazish кенгаши таъминоти учун зарур маблағларни белгиланган тартибда назарда тутсинга тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

пертизадан ўтказиш кенгашига беришни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширсин;

Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгашининг янги ташкил этилган таркибий бўлинмаларини икки ой муддатда юкори малакали кадрлар ва мутахасислар билан таъминласин.

6. Фан ва технологиялар марказига аспирантлар ва магистрант талабалар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларини аниқлаш функцияси юклансин. Номзодларни кўриб чиқиш ва стипендияларни маблағ билан таъминлаш Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартағи 157-сон ва 2001 йил 17 августдаги 344-сон қарорларида назарда тутилган тартибда амалга оширилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги тасарруфига илмий муассасалар бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши билан келишган ҳолда илмий муассасалар томонидан бажариладиган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларни шакллантириш ва маблағ билан таъминлаш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсингарлаштиришни тасдиқласинлар.

Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда республикада илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштиришга доир кўрилган чора-тадбирларни тушунтириш юзасидан бир ой муддатда Фанлар академиясида, тегишли вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларида, шунингдек илмий муассасаларда кенг кўламдаги ишларни ташкил этсин ва амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида қўшимча равища 4 штат бирлиги ажратилган ҳолда Фанни маблағ билан таъминлаш бўлими ташкил этилсин.

9. Фан ва технологиялар маркази ҳамда Йирик илмий ва инвестиция лойиҳалари ни экспертизадан ўтказиш кенгаши Тошкент шаҳар, X. Сулаймонова кўчаси, 29-ўйга жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир хафта муддатда Тошкент шаҳар, X. Сулаймонова кўчаси, 29-ўйда жойлашган бинони Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши хузуридаги Фан ва технологиялар маркази балансига берсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда Давлат патент идораси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфига берилиши муносабати билан унинг номи, реквизитлари ва норматив ҳужжатларига белгиланган тартибда икки хафта муддатда зарур ўзгартиришлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1992 йил 19 февралдаги 71-сон қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 августдаги 360-сон, 1992 йил 9 сентябрдаги 419-сон ва 1992 йил 8 декабрдаги 570-сон қарорлари ўз кучини ўқотган деб хисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 4 март,
77-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 4 мартағи 77-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши
тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 20 февралдаги ПФ-3029-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши (кейинги ўринларда «Мувофиқлаштириш Кенгаши» деб аталади) фаолиятини тартибиға солади.

2. Мувофиқлаштириш Кенгаши Ўзбекистон Республикаси илмий-техника фаолияти соҳасидаги юқори мувофиқлаштириш органи ҳисобланади.

3. Мувофиқлаштириш Кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

II. Мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий вазифалари

4. Қўйидагилар Мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:
фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар, технологик ишланмаларнинг, шунингдек мамлакат иқтисодиётидаги қисқа, ўрта ва узок муддатли истиқболга мўлжалланган таркиби ўзгартиришларнинг устувор йўналишларини иқтисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани ривожлантириш стратегияси билан боғлаган ҳолда белгилаш;

йирик илмий-тадқиқот дастурлари ва технологик лойиҳаларнинг мамлакат манфаатларига ва иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантиришнинг давлат устуворликларига мувофиқлигидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг экспертизасини ташкил этиш ҳамда улар бўйича эксперт хулосаларни тасдиқлаш;

мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг давлат устуворликларига мувофиқ бўлган юрик илмий дастурлар ва технологик лойиҳаларни тасдиқлаш;

Илмий тадқиқотлар, технологик ишланмалар ва инновация лойиҳаларининг ҳар йилги давлат дастурини тасдиқлаш;

инновацион foяларни яратувчи, жаҳон илм-фанидаги янги, истиқболли тенденцияларни доимий равишда кузатиб борувчи ва уларни мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш учун жамловчи истеъодли олимларни қўллаб-куватлаш тизимини яратиш.

III. Мувофиқлаштириш Кенгашининг таркиби ва тузилмаси

5. Мувофиқлаштириш Кенгашининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ тасдиқланади.

Мувофиқлаштириш Кенгаши унинг раиси — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазари томонидан бошқарилади.

Мувофиқлаштириш Кенгashi таркибига раис ўринбосарлари ҳамда фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари бўйича секцияларда ишлайдиган Мувофиқлаштириш Кенгashi аъзолари киради.

6. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш доирасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари бўйича қўйидаги секциялар тузилади:

демократик давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишининг, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг хуқуқий асослари секцияси;

тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш асосида жамиятни маънавий ва ахлоқий янгилаш секцияси;

мамлакатнинг минерал-хом ашё ресурслари салоҳиятини ривожлантириш ва ундан оқилона фойдаланиш йўналишлари секцияси;

тупрок унумдорлигини ошириш, чўлланишга қарши курашнинг юкори технологиялари, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни кўпайтириш, атроф-мухитни муҳофиза қилиш ва экологик хавфсизлик секцияси;

қишлоқ хўжалиги экинларининг юкори самарали навлари ва моллар зотлари, генетика, физика-кимё биологияси, биотехнологиялар, тибиёт ва соғлиқни сақлаш секцияси;

ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни кўпайтириш, мамлакатнинг энергетика мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлаш секцияси.

Зарур ҳолларда секциялар сони ва уларнинг йўналиши Мувофиқлаштириш Кенгashi қарорига кўра ўзгариши мумкин.

Мувофиқлаштириш Кенгashi секциялари ҳар қайси секциянинг фаолият йўналишига мувофиқ мамлакатнинг етакчи олимлари ва мутахассисларидан шакллантирилади.

Секциялар раҳбарлари Мувофиқлаштириш Кенгashi қарорига кўра унинг аъзолари орасидан сайланади.

7. Қўйидагилар Мувофиқлаштириш Кенгашининг таркибий бўлинмалари хисобланади:

Фан ва технологиялар маркази;

Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгashi.

8. Илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларни маблағ билан таъминлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, инновация фаолиятига вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар маблағларини, хорижий ҳомийлар бадалларини ҳамда халқаро грантларни жалб этиш учун Мувофиқлаштириш Кенгashi хузурида Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси ташкил этилади.

IV. Мувофиқлаштириш Кенгashi ваколатлари

9. Мувофиқлаштириш Кенгashi:

Фан ва технологиялар маркази ҳамда Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгashi таклифларини таҳлил қилиш асосида мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг давлат устуворликларига мувофиқ бўлган йирик илмий дастурлар ва технологик лойиҳаларни тасдиқлайди;

мамлакатни илмий-техник ривожлантириш устуворликлари ва стратегиясидан келиб чиқсан ҳолда Илмий тадқиқотлар, технологик ишланмалар ва инновация лойиҳаларининг ҳар йилги давлат дастурини тасдиқлайди;

йирик илмий-тадқиқот дастурлари ва технологик лойиҳаларнинг мамлакат манфаатларига ва иктисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш давлат устуворликларига

мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда уларнинг экспертизасини ташкил этади ҳамда улар бўйича эксперт хулосаларни тасдиқлайди;

инновацион фояларни яратувчи, жаҳон илм-фанидаги янги, истиқболли тенденцияларни доимий равишда кузатиб борувчи ва уларни мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш учун жамловчи истеъодди олимларни қўллаб-қувватлаш механизмларининг амалга оширилишини таъминлайди;

мамлакатни илмий-техник ривожлантиришнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли вазифалари масалаларини ҳал этиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда Мувофиқлаштириш Кенгаши иш тартибини белгилайди;

Мувофиқлаштириш Кенгаши аъзолари орасидан унинг секциялари раҳбарларини, шунингдек секцияларнинг шахсий таркибини тасдиқлайди;

Мувофиқлаштириш Кенгашининг кўриб чиқиши учун киритиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш, Мувофиқлаштириш Кенгаши ваколатига кирувчи бошқа вазифаларни ҳал этиш учун Фанлар академияси, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар, илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг юкори малакали мутахассисларидан иборат эксперт кенгашлар таркибини тасдиқлайди;

Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишларини белгилайди;

жаҳон илм-фани ва технологиялари ривожланишининг илғор тенденциялари тўғрисидаги маърузаларни тинглайди.

10. Мувофиқлаштириш Кенгаши қўйидаги хуқуқларга эга:

Мувофиқлаштириш Кенгашининг ижро этувчи органлари ҳисобланадиган Фан ва технологиялар маркази ҳамда Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши тўғрисидаги низомларга ўзгартиришларни тасдиқлаш ва киритиш;

илмий-техника тараққиёти тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда Мувофиқлаштириш Кенгашида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари бўйича қўшимча секциялар ташкил этиш, шунингдек муҳимлигини йўқотган йўналишлар бўйича секцияларни тугатиш;

Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши хулосалари асосида илмий дастурлар, технологик ишланмалар ва инновация лойиҳаларини маблағ билан таъминлашга (уни тўхтатишгача) ўзгартиришлар киритиш;

сифатли ва холисона экспертизани таъминлаш талабларидан келиб чиққан ҳолда эксперт кенгашлари таркибини янгилаш;

ўзининг ижро этувчи органлари тузилмасига улар ходимларининг тасдиқланган сони доирасида ўзгартиришлар ва уларнинг раҳбарлари лавозимига номзодлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

мамлакатни илмий-техник ривожлантириш вазифаларига мувофиқ илмий-тадқиқот муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

ўз ваколатлари доирасида республиканинг барча вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, корхона ва ташкилотлари учун бажариш мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

Фанлар академияси, вазирликлар, идоралардан ҳамда идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, илмий ташкилотлардан таҳлилий материалларни ҳамда ўз олдида турган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ахборотларни сўраб олиш.

V. Мувофиқлаштириш Кенгаши ишини ташкил этиш

11. Мувофиқлаштириш Кенгаши раиси унинг фаолиятига раҳбарлик қилади ва Мувофиқлаштириш Кенгашига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавоб беради.

Мувофиқлаштириш Кенгаши раиси бўлмагандага унинг функциясини ўринбосари бажаради.

12. Мувофиқлаштириш Кенгаши фаолияти қарорлар қабул қилишда тенг хуқуқлийк ва коллегиаллик принципларига асосланади.

13. Мувофиқлаштириш Кенгаши мажлиси унда Мувофиқлаштириш Кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилиги қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Мувофиқлаштириш Кенгаши мажлисида протокол юритилади, уни Мувофиқлаштириш Кенгаши раиси имзолайди.

14. Мувофиқлаштириш Кенгаши мажлислари унинг ваколатига кирувчи масалалар тайёрланишига кўра, бироқ ҳар ярим йилликда камидаги бир марта ўтказилади.

15. Мувофиқлаштириш Кенгаши мажлисларини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш Мувофиқлаштириш Кенгаши раиси ва раис ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

16. Мувофиқлаштириш Кенгаши қарорлари мажлисда қатнашаётган Мувофиқлаштириш Кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Мувофиқлаштириш Кенгашининг қабул қилинган қарордан норози бўлган аъзоси ўз фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли, унинг фикри мажлис протоколига қўшилади.

17. Мувофиқлаштириш Кенгаши қарори ижро этиш учун Мувофиқлаштириш Кенгаши хузуридаги Фан ва технологиялар марказига ҳамда Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгашига, шунингдек манбаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотларга жўнатилади.

18. Мувофиқлаштириш Кенгаши аъзолари ўз ишларини жамоатчилик асосида олиб боришади.

19. Мувофиқлаштириш Кенгаши ўз номи ёзилган бланкга эга бўлади.

Вазирлар Махкамасининг
2002 йил 4 мартдаги 77-сон карорига
2-ИЛОВА


Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг тузилмаси



Штатдаги ходимлар сони — 34 киши

Вазирлар Махкамасининг
2002 йил 4 марта ги 77-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши
хузуридаги Йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспер-
тизадан ўтказиш кенгашининг тузилмаси**



Штатдаги ходимлар сони — 17 киши

Вазирлар Махкамасининг
2002 йил 4 мартағи 77-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгashi
хузуридаги Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ
билин таъминлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва
сарфлаш тартиби түғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгashi хузуридаги Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармаси (кейинги ўринларда «Жамғарма» деб аталади) илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларни маблағ билан таъминлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларнинг натижаларидан амалиётда фойдаланишнинг самарали механизмини таъминлаш, шунингдек мамлакатнинг илмий-техник соҳаси билан ҳамкорликда иқтисодиётнинг реал секторини инновация фаолиятига жалб этиш мақсадида ташкил этилган.

2. Жамғарма маблағларини сарфлаш йўналишлари Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгashi (кейинги ўринларда «Мувофиқлаштириш Кенгashi» деб аталади) томонидан белгиланади.

3. Жамғарма маблағлари Мувофиқлаштириш Кенгashi хузуридаги Фан ва технологиялар марказининг (кейинги ўринларда «Марказ» деб аталади) маҳсус ҳисоб рақамида жамланади. Марказ Мувофиқлаштириш Кенгashi томонидан белгиланган йўналишлар бўйича маблағларни жорий тезкор бошқариши амалга оширади.

**II. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби ва улардан
фойдаланиш йўналишлари**

4. Кўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджети маблағлари;
хорижий ва мамлакатимиз ҳомийларининг бадаллари;
халқаро грантлар;
вазириклар, идоралар ва хўжалик ҳисобидаги тузилмаларнинг маблағлари;
тижорат банклари ва хорижий молия институтларининг имтиёзли мақсадли кредитлари.

5. Давлат бюджети маблағлари Жамғармага ҳар ойда, Илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар давлат дастурига мувофиқ инновация фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган бюджет маблағлари йиллик ҳажмининг ўн иккidan бир қисми микдорида алоҳида сатрда ажратилади.

6. Хорижий ва мамлакатимиз ҳомийларининг бадаллари Жамғарманинг ҳисоб рақамига Марказнинг халқаро ташкилотлар ва мамлакатимиз ташкилотлари билан тузган битимлари ва аҳдлашувлари натижалари бўйича тушади.

7. Халқаро грантлар Жамғарманинг ҳисоб рақамига ҳукуматлараро битимларга мувофиқ, шунингдек Марказнинг халқаро ташкилотлар билан аҳдлашувлари бўйича тушади.

8. Вазириклар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари

Жамғарманинг ҳисоб рақамига уларнинг илмий-тадқиқот ишлари, технологик ишланмалар ва инновация лойиҳаларини бажаришга берган буюртмаларига мувофиқ уларнинг Марказ томонидан маблағ билан таъминлашда қатнашиш шартларида тушади.

9. Тижорат банклари ва хорижий молия институтларининг имтиёзли мақсадли кредитлари Жамғарманинг ҳисоб рақамига рентабелли илмий ва технологик ишланмаларни амалга оширишга Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия институтлари билан тузган қарз битимларига мувофиқ тушади.

10. Жамғармада жамланадиган маблағлардан кўйидаги йўналишлар бўйича фойдаланилади:

тандов асосидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўз вактида ва тўлиқ маблағ билан таъминлаш;

ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий-гуманитар соҳадаги инновация лойиҳаларини маблағ билан таъминлашда қатнашиш учун грантлар ажратиш;

илм-фанны кўплаб талаб қиласидаги ишлаб чиқаришларни, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес соҳасида ташкил этиш мақсадида инновация лойиҳаларига имтиёзли кредитлар сифатида грантлар ажратиш.

11. Тандов асосидаги фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни маблағ билан таъминлаш, шунингдек инновация лойиҳаларига грантлар ажратиш Мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан белгиланган мамлакат илмий-техника тараққиётининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилади.

12. Ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий-гуманитар соҳадаги илмий фаолиятни маблағ билан таъминлашда қатнашиш Мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан белгиланган устувор йўналишлар ва топшириклар бўйича вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, ташкилотлар ва ишлаб чиқариш тузилмаларининг буюртмалари бўйича ишларни бажаришга илмий муассасалар, илмий жамоалар, алоҳида олимлар ва мутахассислар ўртасида тандов ташкил этиш йўли билан Марказ томонидан Жамғарма маблағларидан амалга оширилади.

Илм-фанны кўплаб талаб қиласидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида инновация лойиҳаларига имтиёзли кредитлар сифатидаги грантларни маблағ билан таъминлашда қатнашиш маблағни қайтариш асосида амалга оширилади. Жамғарма маблағлари лойиҳанинг ҳисобланган умумий қийматининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади.

13. Жамғарманинг ҳомийлар ва халқаро молия институтлари олинган маблағлари битимлар ва аҳдлашувларнинг тегишли шартлари билан белгиланган тартибида Мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан бошқа йўналишлар бўйича йўналтирилиши мумкин.

14. Жамғарманинг молиявий йили охиригача фойдаланилмаган маблағлари бюджетга олиб қўйилмайди ва мазкур Низомда назарда тутилган мақсадларга қатъий равишда йўналтирилади.

III. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш юзасидан Марказнинг функциялари ва ҳукуқлари

15. Марказ Жамғарма маблағларини жорий тезкор бошқариш учун Мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан белгиланган тартибида:

вазирликлар, идоралар, Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва ишлаб чиқариш тузилмаларининг тандов асосида илмий-тадқиқот ва инновация ишларини амалга ошириш юзасидан берилган буюртмаларининг мамлакат илмий-техника тараққиёти манбаатлари йўлида давлатнинг устувор йўналишлари ва вазифаларига мувофиқлигини кўриб чиқади;

илмий-тадқикот ва инновация ишларига танлов ўтказиш учун молиявий маблағларга бўлган эҳтиёж ҳисоб-китобининг асосланганлигини текширади;

маблағ билан таъминлашда қатнашиш учун вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва ишлаб чиқариш тузилмалари томонидан таклиф этилаётган илмий-тадқикот ва инновация топширикларининг техник-иктисодий асосланишини ўрганади;

Мувофиқлаштириш Кенгашига илмий-тадқикот ва инновация лойиҳаларини амалга оширишга маблағ билан таъминлашда қатнашиш шартлари бўйича таклифлар киритади;

илмий тадқикотлар ўтказишга молиявий маблағлар ажратувчи ҳомийлар ва халқаро молия институтларини излайди ва уларни жалб этади;

ложиҳалар амалга оширилишининг ва маблағлардан мақсадли фойдаланишининг доимий мониторингини олиб боради;

Мувофиқлаштириш Кенгашига ва Молия вазирлигига Жамғарма маблағларидан фойдаланилганлиги тўғрисида даврий ҳисбот тақдим этади.

16. Марказ қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ложиҳаларни бажарувчи илмий муассасалар ва жамоалардан даврий ҳисбот олиш, лойиҳаларнинг амалга оширилишини баҳолаш ва мониторинг олиб бориш учун бошқа зарур ахборотларни сўраб олиш;

маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги ва лойиҳани амалга оширишнинг техник-иктисодий кўрсаткичларидан четга чиқиши ҳоллари аниқланган тақдирда Мувофиқлаштириш Кенгаши билан келишган ҳолда лойиҳаларни маблағ билан таъминлашни тўхтатиб қўйиш;

Мувофиқлаштириш Кенгаши билан келишган ҳолда қўшимча маблағлар жалб этиш юзасидан ҳомийлар ва халқаро молия институтлари билан битимлар ва шартномалар тузиш;

маблағ билан таъминлашда қатнашиш ва кредитлар олиш учун лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосланишини ўрганиб чиқишига мутахассисларни жалб этиш;

IV. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари кўрсаткичларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

17. Марказ ҳар йили 1 сентябргача бўлажак ўйлга Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари йўналишининг прогноз параметрларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Мувофиқлаштириш Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этади. Прогноз параметрлари кўйидагилар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади:

ҳомийлар ва халқаро ташкилотларнинг Жамғармага жалб этиладиган маблағларининг, ҳукуматлараро грантлар, кредитлар ва бюджетдан ташқари бошқа маблағ билан таъминлаш манбаларининг режалаштирилаётган миқдори;

танлов асосидаги амалдаги фундаментал ва амалий тадқикотлар ва инновация лойиҳаларининг амалга оширилиши даражаси;

янгидан амалга ошириладиган танлов асосидаги илмий-тадқикот ва инновация лойиҳаларига харажатлар миқдори.

18. Мувофиқлаштириш Кенгаши Жамғарманинг бўлажак молиявий ўйлга даромадлари ва харажатлари прогнозини кўриб чиқади, унинг даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлайди ҳамда бўлажак ўйл давлат бюджети лойиҳасига киритишини кўриб чиқиш учун жорий ўйлнинг 15 сентябригача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига киритади.

19. Марказ ҳисбот ўйлидан кейинги ўйлнинг 1 марта гача бўлган муддатда

Мувофиқлаштириш Кенгашига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Жамғарма даромадлари ва харажатлари бажарилиши тўғрисидаги йиллик ҳисоботни тақдим этади.

20. Мувофиқлаштириш Кенгashi Жамғарма даромадлари ва харажатлари бажарилиши бўйича йиллик ҳисоботни кўриб чиқади ва уни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

V. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши бўйича назорат ва жавобгарлик

21. Илмий муассасаларнинг Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланишини тезкор назорат қилиш Марказ томонидан амалга оширилади.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғарманинг Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрлари доирасида ўз вақтида ва тўлиқ маблағ билан таъминланиши учун жавоб беради ҳамда Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши ва маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши устидан йиллик назоратни амалга оширади.

23. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши учун Марказнинг Ди-ректори ва бош бухгалтери шахсан жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

41 Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида

Фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. 2002 йил 1 апрелдан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотларнинг иш ҳақини товарлар билан натура шаклида тўлаши тақиқлансин, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган, ходимларнинг ёзма аризасига кўра шартномавий нархларда бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бундан мустасно.

2. Тижорат банклари:

тегишли кафолат билан, шу жумладан юқори ликвидли мол-мулк гарови асосида (шу жумладан корхоналар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва инфратузилма обьектлари, транспорт воситалари ҳамда бошка ликвидли активлари) иш ҳақи тўлаш учун хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар берсинлар. Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган кредитлар ўз вақтида қайтарилимаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулк, қарз олувчининг розилигидан қатъи назар, кейинчалик белгиланган тартибда уни сотиш хукуки билан тижорат банкининг мулкига ўтади;

тегишли равишда банкоматлар тармоғини кўпайтирган ҳолда электрон пластик

карточкалар воситасида иш ҳақи тўлашга доир банк хизматлари ҳажмини кенгайтирсинглар.

3. Белгилансинки, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавоб берадилар.

Хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик хисобидаги корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари:

мехнатга ҳақ тўлаш тариф сеткаларининг рағбатлантирувчи ролини оширишни, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф сеткаларини бир ой муддатда қайта кўриб чиқсинлар;

ҳар бир ходимни тегишли даврда унга тўланадиган иш ҳақининг таркиби қисмлари, ушлаб қолинган пул миқдорлари ва унинг асослари, шунингдек тўланадиган умумий пул суммаси тўғрисида мажбурий тартибда ёзма шаклда хабардор қилсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг иш ҳақини ўз вақтида тўлашнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибига риоя қилиши устидан назоратни кучайтирсив ҳамда иш ҳақи бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ҳосил бўлган ҳолларда айбор шахсларни жиной жазолашгача жавобгарликка тортсин.

5. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига, касаба уюшмаларининг тармоқ кенгашларига вазирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиша ва у ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа шартномаларининг, хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа норматив ҳужжатларининг ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш тавсия этилсин, чора-тадбирларда иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун иш берувчиларнинг моддий жавобгарлиги чоралари назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки хафта муддатда:

Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгариши ва қўшимчалар тўғрисидаги, шунингдек иш ҳақи ўз вақтида тўланиши таъминланмаганлиги ёхуд иш ҳақи тақиқланган шаклда тўланганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банклари раҳбарларининг жавобгарлигини, шу жумладан моддий жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи таклифларни киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсив.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 19 март,
88-сон

42**Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб
қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида**

Республика аҳолисига ва иқтисодиёти тармоқларига табиий газнинг узлуксиз етказиб берилишини таъминлашга доир ишларни кучайтириш, газ тармоқларига ноёнуний уланишнинг олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек табиий газ учун тўлиқ ва ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласи**:

1. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси-нинг «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг «Ўзгасотиш» шўъба унитар корхонасини ҳамда унинг ҳудудий ваколатхоналарини белгиланган тартибда «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси тасарруфига табиий газни сотиш ва унинг учун истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича ягона тузилма ташкил этиш мақсадида бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

2002 йил 1 апрелдан бошлаб табиий газни, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси-нинг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри уланадиган истеъмолчилардан ташқари, улгуржи истеъмолчиларга ва аҳолига сотиш «Ўзкоммунхизмат» агентлиги «Бошкоммунгаз» корхонасининг газ сотувчи ташкилотлари томонидан 1 иловага* мувофиқ амалга оширилади;

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ва «Бошкоммунгаз» корхонаси ўртасида табиий газ учун ҳисоб-китоблар магистрал газ қувурлари ва газ тармоқларининг бўлиниш чегараларида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

3. «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги «Бошкоммунгаз» корхонаси ва «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси ўртасида тузилган контрактга мувофиқ Украинадан клиринг бўйича етказиб беришнинг фойдаланилмаган қолдиқлари ҳисобига сотиб олинадиган 501 минг АҚШ доллари миқдоридаги 52 та ҳамда «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компаниясининг ўз маблағлари ҳисобига сотиб олинадиган 248 та газни ҳисобга олиш приборларининг 2002 йилда газ қувурларининг бўлиниш чегараларида алмаштирилиши ва ўрнатилишини таъминласинлар.

4. «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги улгуржи истеъмолчилар ва аҳолининг дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларини 2002 йил 1 мартағи холатига кўра хатловдан ўтказинлар ва 2002 йил 1 апрелгача уларни топшириш-қабул қилишни белгиланган тартибда амалга оширсинлар.

5. Махфий.

6. «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси 2002 йил 1 апрелдан бошлаб газ сарфини ҳисобга олиш приборлари бўлмаган улгуржи истеъмолчилар билан табиий газ етказиб бериш юзасидан мавжуд шартномаларни бекор қилсин ва янги шартномалар тузмасин.

7. Минтақалар раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ажратилаётган табиий газ ҳажмларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича жавобгарлигини ошириш мақсадида ижтимоий соҳа объектларига ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига (тут ипак курти боқиши, хусусий уйлар ҳовлисидаги иссиқхоналар ва озиқ-овқат писириш учун) газдан фойдаланиш учун рухсатномалар бериш функцияси Қорақал-

* Илова берилмайди.

пористон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлариға мінтақа учун белгиланган лимитлар доирасида юклансин.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Коқақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда мінтақалар томонидан ижтимоий соҳа объектлари хамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари газдан фойдаланишга руҳсатномалар бериш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси билан биргаликда қонунчиликда белгиланган тартибда «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси устав фонди миқдорини акцияларнинг давлат пакетини «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси берилаётган «Ўзгазсотиш» шўъба унитар корхонаси ва унинг худудий ваколатхоналари мол-мулки қиймати суммасига қискартириш хисобига камайтиксин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясиning «Ўзгазсотиш» шўъба корхонасининг берилаётган мол-мулки қиймати қўшилган қиймат ва даромад (фойда) солигини хисоблаб чиқаришда «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясиning хамда «Ўзкоммунхизмат» агентлиги «Бошкоммунгаз» корхонасининг солиқ солинадиган базасига киритилмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига жисмоний ва юридик шахсларнинг газ тармоқлари газдан ўзбошимчалик билан уланиб олиш, табиий газдан самарасиз фойдаланганлик ва уни ўғирлаганлик учун жавобгарлигини кучайтириш юзасидан таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг З-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов, Коқақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 20 март,
90-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 20 марта 90-сон карорига
З-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига киритилаётган ўзгаришиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика халқ хўжалигини ва аҳолисини газ билан таъминлашни ташкил этишини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 2 декабрдаги 587-сон қарорида:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

2-банда «Янги корхоналарни» ва «корхоналарни газ таъминоти тизимиға улаш» сўзларидан кейин «ижтимоий соҳа обьектлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари (ипак қурти боқиш ва хусусий уйлар ҳовлисидаги иссиқхоналар ҳамда овқат тайёрлаш учун) бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;

6-банда «истеъмолчиларни газ таъминоти тармоқларига бундан буён улашни тўхтатишни» сўзларидан кейин «ижтимоий соҳа обьектлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари (ипак қурти боқиш ва хусусий уйлар ҳовлисидаги иссиқхоналар ҳамда овқат тайёрлаш учун) бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун хисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 21 сентябрдаги 439-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 9-сон, 57-модда):

а) 1-банда:

биринчи, тўртинчи ва бешинчи хат бошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи хат боши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси 2002 йил 1 апрелдан эътиборан газ сарфини хисоблаш приборларига эга бўлмаган улгуржи истеъмолчилар билан табиий газ етказиб бериш юзасидан мавжуд шартномаларни бекор қиласин ва янги шартномалар тузмасин»;

б) 2-банда:

иккинчи хат бошидаги «улгуржи истеъмолчилар томонидан» сўзларидан олдин «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлган» сўзлари қўшилсин;

учинчи ва тўртинчи хат бошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи хат бошидаги «чакана истеъмолчилар (аҳоли) томонидан» сўзларидан олдин «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган улгуржи истеъмолчилар ва» сўзлари қўшилсин;

в) 7-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;

г) 9-банднинг биринчи ва иккинчи хат бошилари «Ўзтрансгаз» акционерлик компаниясига» сўзларидан кейин «ва «Бошкоммунгаз» корхонасига» сўзлари билан тўлдирисин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидаларида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 1-сон, 2-модда):

а) 4.1-банд:

куйидаги мазмундаги иккинчи хат боши билан тўлдирилсин:

«Ижтимоий соҳа обьектлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига (ипак қурти боқиш ва хусусий уйлар ҳовлисидаги иссиқхоналар ҳамда овқат тайёрлаш учун) газдан фойдаланиш учун рухсатнома тегишли равишда Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан минтақа учун белгиланган лимитлар доирасида берилади»;

иккинчи хат боши учинчи хат боши деб хисоблансин ва қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамаси, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан табиий газдан ёқилғи сифатида фойдаланиш учун берилган рухсатнома тегишли равишда янгидан курилаётган, кенгайтирилаётган, реконструкция қилинаётган ва фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш обьектларини ёки ижтимоий соҳа обьектлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини (ипак қурти боқиш ва хусусий уйлар ҳовлисидаги иссиқхоналар ҳамда овқат тайёрлаш учун) газ билан таъминлашни лойихалаш учун асос хисобланади.»;

б) 4.3-банда:

иккинчи хат бошидаги «тўғридан-тўғри шартномалар бўйича» сўзларидан кейин «газ қувурларининг бўлиниш чегарасида ўрнатилган газ ҳисоблаш приборлари бўйича» сўзлари кўшилсин;

учинчи хат боши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хат боши қуидаги таҳрирда баён килинсин:

«Бошкоммунгаз» корхонасининг газ сотовчи ташкилотларига магистрал газ қувурлари ва тармоқларининг бўлиниш чегарасида хўжалик ҳисобидаги газ сарфини ҳисоблаш приборлари бўйича уни кейинчалик «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг магистрал газ тармоқларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган истеъмолчиларга ҳамда чакана истеъмолчиларга (ахолига) сотиш учун етказиб берилади».

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги Низомни, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш хақида» 2001 йил 13 февралдаги 74-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган «Ўзкоммунхизмат» агентлиги тўғрисидаги Низом 6-бандининг ўн биринчи хат боши «нормативлар бўйича» сўзларидан кейин «улгуржи ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

44 Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш фаоллаштирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицияга оид жалб этувчанлигини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қулай шаклларидан фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари, Давлат мулки қўмитаси, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмаларининг Хусусийлаштириш дастурига 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ корхоналар ва объектларни қўшимча равишида киритиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари, вазирликлар, идоралар, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда объектларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва сотишнинг келишилган жадвалларини бир ой мuddатда тасдиқласин, корхоналарни баҳолаш ва сотишга тайёрлашнинг муддатларини юкори даражада қисқартирган ҳолда жадвалнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилсин.

2. Корхоналарни хусусийлаштириш жараёнига, энг аввало якка тартибдаги лой-

* 1, 2-иловалар берилмайди.

иҳалар бўйича хусусийлаштириладиган ва хорижий инвесторларга яхлит сотиладиган корхоналарга хорижий инвестициялар жалб этилишини фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси:

хорижий инвесторларга сотиладиган корхоналарнинг техник диагностикасини ўтказиш ҳамда уларни баҳолаш бўйича молиявий маслаҳатчиларни танлаб олиш тартиботини сезиларли даражада соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш масалаларини Жаҳон банки билан икки ой муддатда ишлаб чиқсан;

икки йил мобайнида сотилмаган корхоналар ва объектларнинг (якка тартибда акциялаштириладиган корхоналардан ташқари) акцияларини (улушлари, пайларини), корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича инвесторлар томонидан бизнес-режалар тақдим этилган тақдирда, инвесторларнинг инвестиция мажбуриятлари кийматини объектнинг нархига киритган ҳолда танлов асосида сотиш тўғрисида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг Комплекслари билан келишган ҳолда қарорлар қабул қиласин;

корхонани молиявий соғломлаштириш бизнес-режаси ва аниқ инвестиция мажбуриятлари бўлган тақдирда, сотиб олиш тўлови тўлашни 5 йилгача бўлган муддатга узайтириб, давлат мулки кейинчалик инвестор томонидан сотиб олиниши хуқуқини берган ҳолда давлат мулкини танлов асосида ишончли бошқарувга бериш амалиётини жорий этсин;

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекслари билан биргаликда мақсадга мувофиқ бўлганда йирик истиқболсиз, зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни уларнинг мол-мулкини қисмларга бўлиб сотувга кўйиш хуқуқи билан, белгиланган тартибда таркибий ўзгартирисин (уларни қайта ташкил этсин).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

хорижий инвесторлар ўз инвестиция мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига кадар, уларнинг акциялар пакетларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартлари ва тартибини белгилаган ҳолда, биржа ва биржадан ташқари бозорларда давлат активларини сотиш масалаларини тартибга солувчи идоравий норматив хужжатларга белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар;

хусусийлаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнларини тартибга солувчи конун хужжатларини ва Ҳукуматнинг қарорларини хатловдан ўтказсинлар ҳамда, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари амалга оширилишининг хуқуқий таъминланиши масалаларига алоҳида эътиборни қаратган ҳолда, уларни тўлдириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

4. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар муассисларига эркин муоммадаги валютада олинган ва чет элга репатриация қилишга мўлжалланган дивидендлардан Ўзбекистоннинг фонд бозорида корхоналарнинг акцияларини (улушлари, пайларини) ва объектларни яхлит сотиб олиш учун фойдаланишга рухсат этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари томонидан давлат мулки бўлган корхоналарни қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси органлари билан албатта келишилган ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг З-иловага* мувофиқ қарорларига ўзгариши ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тегишли идоравий

* З-илова рус тилидаги матнда берилган.

норматив хужжатларга мазкур қарордан келиб чикувчи ўзгартиришлар киритилишини таъминласинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Қ. Исмоилов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 26 март,
97-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

45 2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимларни томонидан 1999-2004 йилларда уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашнинг тасдиқланган дастурида назарда тутилган газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш топшириқлари бажарилмаган.

Янгидан қурилган ва реконструкция қилинган уй-жойларни газни ҳисобга олиш приборларисиз фойдаланишга қабул қилиш холларига йўл кўйилмоқда. Сув ва газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқариш дастури топшириқлари мутлақо қониқарсиз бажарилмоқда. 1999-2001 йилларда республикада Дастурда белгиланган топшириқнинг 7 фоизи хажмида газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқарилган.

Табиий газдан самарали ва оқилона фойдаланиш, уни истеъмол қилишни ҳисобга олиш даражасини ошириш, ҳамма жойда барча газ истеъмолчиларини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи:**

1. Қуидагилар:

2002-2004 йилларда республика худудлари бўйича газлаштирилган уй-жой фондини (квартиralарни ва якка тартибдаги уйларни) газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш ҳамда республика корхоналарида газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқариш жадваллари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқараётган корхоналарда газни ҳисобга олиш приборларига сервис хизмати кўрсатиш ва уларни таъмирлаш тармоқларини барпо этиш топшириги 3-иловага* мувофиқ;

Газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартиralарда ва якка тартибдаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ;

газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаган тақдирда ахолига коммунал-мий эҳтиёжлар учун бериладиган табиий газнинг ойлик сарфи нормаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* 1, 2, 3-иловалар берилмайди.

«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жадвалини бажариш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

2. Белгилансинки:

газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш ҳамда квартиralарда ва аҳолининг якка тартибдаги уйларида ўрнатиш «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

тегишлилигидан қатъи назар, квартиralарда ва аҳолининг якка тартибдаги уйларида ўрнатилган газни ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси томонидан амалга оширилади;

газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахслар амалдаги қонунчиликка мувофиқ жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортиладилар.

3. Газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилмаган янгидан қурилган кўп квартирали (реконструкция қилинган, мукаммал таъмирланган) уйларни фойдаланишга қабул қилиш ва якка тартибдаги уйларни табиий газга улаш таъқиқлансин.

Газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозланмаган квартиralар ва якка тартибдаги уйларга 2005 йил 1 январдан бошлаб газ етказиб берилмасин.

4. Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси билан биргаликда газлаштирилган уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жадвалининг бажарилишини таъминловчи Тадбирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартиralарда ва якка тартибдаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги тасдиқланган Низом асосида газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш бўйича намунавий шартномани белгиланган тартиба икки хафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда томонларнинг жавобгарлиги юзасидан қаттиқ чораларни назарда тутсин.

Белгилаб қўйилсанки, истеъмолчи (аҳоли) ва газ етказиб берувчи ўртасида тузиленган Газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш бўйича шартноманинг бузилиши белгиланган тартиба судга даъво аризалари бериш учун асос ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг республика минтақаларида квартиralарни ҳамда якка тартибдаги уйларни газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш учун имтиёзли кредитларни, шу жумладан Испания давлат кредит агентлигининг кредитини жалб этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда Испания томони билан контракт лойихасини келишиб олсин ҳамда унинг асосида уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш лойихасининг техник-иктисодий асосларини белгиланган тартиба тайёрласин ва экспертиздан ўтказсин.

7. Махфий.

8. 2002-2004 йилларда қўйидагилар:

газлаштирилган уй-жой фондини (кўп квартирали ва якка тартибдаги уйларни) газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жадвали доирасида Ўзбекистон Республикаси газни ҳисобга олиш приборлари, шунингдек импорт бўйича харид қилинадиган якка тартиба фойдаланиладиган иситиш қозонларининг хавфсизлик автоматикаси ва тартибга солиш автоматикаси, газ-горелка жиҳозлари, Ўзбекистон Республикаси худудидаги газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқарувчиларга

етказиб берилаётган бутловчи материаллар божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш йифимларидан ташқари);

«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг корхоналари ахолига газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш ва монтаж қилиш хизматлари бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқарувчилари ўзлари ишлаб чиқарган газни ҳисобга олиш приборларини «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонасига сотиши бўйича кўшилган қиймат солигидан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 8-илювага мувофиқ қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари К.Н. Тўлаганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Махкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 28 март,
99-сон

Вазирлар Махкамасининг
2002 йил 28 марта 99-сон қарорига
4-ИЛОВА

Газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартиralарда ва якка тартиbdаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом газни ҳисобга олиш приборларини маблаг билан таъминлаш, сотиб олиш, квартиralарда ва якка тартиbdаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек газни ҳисобга олиш приборларини етказиб берувчи ташкилотлар, газни етказиб берувчи ва истеъмол қилувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги атамалар ва тушунчалардан фойдаланилади:

Газни ҳисобга олиш приборлари — қувурлар кесими орқали ўтадиган газнинг аник микдорини бевосита хисобга оладиган хисоблаш курилмаси. Приборлар Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган бирликларда ифодаланган шкалага эга бўлиши, газнинг турли микдордаги оқимларини ўлчаш учун зарур ва етарли бўлган градациялар бўйича ишлаб чиқарилган бўлиши ҳамда техника хавфсизлиги, фойдаланиш, таъмирлашга яроқлилик, ўзаро алмаштирувчанлик бўйича техник шартларни кондирадиган, индикатор қурилмалари осон кўринадиган бўлиши керак.

Газни етказиб берувчи — «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси, унинг шўъба корхоналари ва газни бевосита истеъмолчиларга етказиб берувчи бошқа ташкилотлар.

Газни ҳисобга олиш приборларини етказиб берувчи — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг хорижий етказиб берувчилари.

Истеъмолчи — уй-жойнинг эгаси, уй-жойни ижарага олувчи, уй-жой эгалари ширкати.

3. Газни ҳисобга олиш приборларини маблағ билан таъминлаш, сотиб олиш, ўрнатиш ва улардан фойдаланиш илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

II. Газни ҳисобга олиш приборларига қўйиладиган талаблар

4. Газ ҳажмини ҳисобга олиш учун «Ўздавстандарт» маркази томонидан синовдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ўлчов воситалари давлат реестрига киритилган, Истеъмолчилар газ таъминоти тармоқларининг кириш жойларига ўрнатиладиган газни ҳисобга олиш приборлари қўлланади.

5. Ўрнатиш учун техник шартларни қондирадиган, ўлчанадиган газ ҳажмига мувофиқ бўлган ва ушбу минтақада ихтинослашган таъмиглаш ҳамда текшириш жиҳозлари билан таъминланган барча турдаги газни ҳисобга олиш приборлари қўлланади.

6. Газни ҳисобга олиш приборлари газ ҳажмини ўлчашнинг аниқлиги бўйича Истеъмолчини ва Етказиб берувчини қондириши ҳамда назарда тутилаётган энг кўп истеъмол градацияларига мувофиқ бўлиши керак.

7. Ҳисобга олиш приборлари шкаласининг ўлчов бирликлари Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Халқаро бирликлар тизими бўйича миқдорларда ифодаланади.

8. Приборлар шкалаларида ёзувлар давлат тилида — ўзбек тилида бўлиши керак. Шкалаларида ёзувлар рус ва инглиз тилларида бўлган газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилишига йўл қўйилади.

9. Газни ҳисобга олиш приборлари индивидуал паспортга эга бўлиши ва уни тайёрлаган завод ёки уларнинг техник шартларга мувофиқлигини текширган корхона томонидан пломбалангандан бўлиши керак. Газни ҳисобга олиш приборининг ҳар бир турини текшириб кўриш даврлари «Ўздавстандарт» маркази томонидан белгиланади.

10. Текшириб кўриш муддати ўтган приборлар носоз ҳисобланади ва фойдаланишга қўйилмайди.

11. Газни ҳисобга олиш прибори панелида қўйидагилар кўрсатилган ёзувлар бўлиши керак:

приборнинг тартиб рақами ва тайёрланган санаси;
тайёрлаган завод ёки фирма, тайёрланган мамлакат;
приборнинг марка белгиси (фирма ва кодланган номи);
энг кўп газ ўтказиш қуввати;
энг кам газ ўтказиш қуввати;
энг юкори ишлаш босими.

12. Прибор унинг техник шартлари ва турига мувофиқ (вертикал, горизонтал) холатда ўрнатилади.

III. Газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш қатнашчиларининг асосий вазифалари ва функциялари

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари билан биргаликда газни ҳисобга олиш приборлари

ни сотиб олиш ва ўрнатишни маблағ билан таъминлаш, шунингдек хорижий кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича манбаларни белгилайди;

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан биргаликда, ишлаб чиқариш таннаҳи ва хизмат кўрсатишдан олинадиган ялпи фойдадан келиб чиққан ҳолда, газ етказиб бериш бўйича нархлар (тарифлар)ни белгиланган тартибда шакллантирилади.

14. Газни ҳисобга олиш приборларини етказиб берувчилар «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси билан тузиладиган контрактларга мувофиқ сертификатланган, Ўзбекистон Республикасининг техник талабларига жавоб берадиган газни ҳисобга олиш приборларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришини амалга оширадилар.

15. «Ўздавстандарт» маркази республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича келтириладиган газни ҳисобга олиш приборларини белгиланган тартибда сертификатлашни ва ўлчов воситалари давлат реестрига киритишини ташкил этади. Тегишли ташкилотлар ёки корхоналарга газни ҳисобга олиш майший приборларини текшириб кўриш хукуқи юзасидан рухсатнома беради.

16. «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси:

Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жихозлаш жадвалини бажариш бўйича буюртмачи ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан биргаликда 2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жихозлаш дастури топшириқларининг бажарилиши таъминланиши учун тўлиқ жавоб беради;

«Газтаъминот» шўъба корхоналари ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, ўрнатиш, кейинчалик улардан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этишини амалга оширади;

газни ҳисобга олиш приборлари етказиб берувчилар, газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш бўйича ихтисослашган монтаж ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳисоб-китобларни ташкил этишини амалга оширади;

газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш ва ўрнатиш учун олинадиган кредитларни жалб этиш ва қайтаришни белгиланган тартибда амалга оширади;

истеъмолчилар томонидан приборларнинг қиймати тўлиқ тўлангунгача бўлган даврда газни ҳисобга олиш приборларининг эгаси функциясини бажаради.

17. «Бошкоммунгаз» корхонасининг «Газтаъминот» шўъба корхоналари:

газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш бўйича ишларни бажариш хукуқига эга бўлган ихтисослашган монтаж ташкилотларини жалб этган ҳолда шартнома асосида истеъмолчиларга газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатишни амалга оширадилар;

газни ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш устидан техника назоратини амалга оширадилар;

газни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган янги қурилган, шунингдек мавжуд уй-жойлар (квартиralар)нинг газ тармоғига уланишига, шунингдек тайёрловчи завод ёки текширувчи корхона томонидан пломбаланмаган, техник шартларга мувофиқлиги текшириш синовидан ўтмаган газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилишига йўл қўйилмаслиги учун жавоб берадилар;

Истеъмолчи талабига биноан, прибордаги мавжуд бўлиши мумкин бўлган носозликларни аниқлаш учун, Истеъмолчига ўрнатилган газни ҳисобга олиш приборини текширишдан ўтказишга мажбурдирлар;

Истеъмолчига боғлиқ бўлмаган сабаб билан ишдан чиққан ва фойдаланишнинг

кафолатли муддатидан олдин яроқсиз бўлиб қолган приборлар етказиб берувчи хисобига ўз вақтида алмаштирилишини таъминлайдилар;

газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш ва ўрнатиш учун истеъмолчилардан маблағлар йиғишни таъминлайдилар;

газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатганлик учун ихтисослашган монтаж ташкилотлари билан ўзаро хисоб-китоб қилинишини таъминлайдилар.

«Газтаъминот» шўъба корхоналари газни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган истеъмолчиларга 2005 йил 1 январдан бошлаб газ беришмайди.

18. Газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатадиган ихтисослашган монтаж ташкилотлари «Газтаъминот» шўъба корхоналари билан тузилган контрактларга мувофиқ истеъмолчиларга газни ҳисобга олиш приборларини монтаж қилиш ва ўрнатишни амалга оширадилар. Бажарилган ишлар учун ўзаро хисоб-китоблар «Газтаъминот» шўъба корхоналари билан амалга оширилади.

19. Истеъмолчилар (аҳоли):

ўрнатилган газни ҳисобга олиш приборларининг сақланиши ва зарур даражада фойдаланилиши учун жавоб берадилар;

газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилгани учун шартнома асосида ўз вақтида тўловни, шунингдек газни ҳисобга олиш прибори қийматини шартномада белгилangan муддатларда тўлайдилар;

олинган газ қийматини приборлар кўрсаткичларига биноан, амалдаги тарифларга мувофиқ, белгилangan муддатларда тўлайдилар;

газни ҳисобга олиш прибори қиймати тўлиқ тўлангач, унга эгалик хукуқини оладилар.

20. Уй-жой эгалари ширкатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

газ етказиб берувчининг вакиллари билан биргаликда аҳоли ўртасида газдан фойдаланишда аниқ тежамга эришиш учун газни ҳисобга олиш приборларини жорий этишнинг зарурлиги тўғрисида тарғибот-тушунтириш ишларини амалга оширадилар;

кам таъминланган оиласаларга газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш учун тўлов бўйича уларга амалдаги Тартибга мувофиқ моддий ёрдам кўрсатиш шаклида қоплов йўли билан ёрдам кўрсатадилар;

ширкат аъзоларига (маҳалла аҳолисига) ўрнатиладиган газни ҳисобга олиш приборлари қийматини тўлаш бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан кафил бўладилар;

«Газтаъминот» шўъба корхоналари билан биргаликда 1991 йилгacha қурилган кўп квартириали уй-жойларни тўлиқ таъмирлаш вақтида уларда газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилишини таъминлайдилар.

IV. Газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш

21. Газни ҳисобга олиш приборлари уларни Етказиб берувчилар томонидан ишлаб чиқарилади ва «Бошкоммунгаз» корхонасига етказиб берилади.

22. Газни ҳисобга олиш приборлари «Бошкоммунгаз» корхонаси томонидан:

ўз маблағлари ҳисобига;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан газни ҳисобга олиш приборлари сотиб олиш учун 2002-2004 йилларда «Бошкоммунгаз» корхонасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги томонидан, қайтариш асосида ҳар йили ажратиладиган айланма маблағлар ҳисобига;

мамлакатимиз ва чет эл банклари ҳамда бошқа молия институтларининг кредитлари ҳисобига сотиб олинади.

V. Газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш

23. «Бошкоммунгаз» корхонаси томонидан сотиб олинган газни ҳисобга олиш приборлари аҳоли квартиralарига ва якка тартибдаги ўйларга ўрнатилади, кейинчалик уларнинг қиймати Истеъмолчи томонидан кафолатли муддат мобайнида, лекин газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган кундан бошлаб кўпи билан 5 йилда тўлашади.

24. Истеъмолчи томонидан газни ҳисобга олиш приборлари қийматини тўлаш шартлари «Бошкоммунгаз» корхонасининг «Газтаъминот» шўъба корхоналари билан аҳоли ўртасида газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш, унга техник хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш юзасидан тузилган шартномада белгиланади.

25. Газни ҳисобга олиш приборлари прибор қиймати Истеъмолчи томонидан тўлиқ тўлангунга қадар «Бошкоммунгаз» корхонасининг мулки ҳисобланади.

Газни ҳисобга олиш приборининг қиймати тўлиқ тўлангандан кейин унга мулкчилик ҳуқуқи Истеъмолчига ўтади.

26. Газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш, унга техник хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома:

ҳисобга олиш приборининг типи, маркаси, тартиб рақами ва қийматини;

ҳисобга олиш приборининг мансублилигини;

шартнома тузилган муддатни;

ҳак тўлаш шартлари ва миқдорини;

Истеъмолчи томонидан газни ҳисобга олиш прибори қийматини тўлаш шартларини;

ҳисобга олиш приборини сақлаш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлигини;

томонларнинг аҳдлашувига кўра бошқа шартларни ўз ичига олиши керак.

Янгидан қурилаётган ва мавжуд турар жойда газни ҳисобга олиш приборлари лойиха-смета хужжатларига мувофиқ ихтисослашган корхоналар томонидан ўрнатилади.

27. Ўрнатиладиган ҳар бир газни ҳисобга олиш приборига якка тартибдаги лойиха ёки такрорланадиган ечимни мувофиқлаштириш лойихаси ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқилган якка тартибдаги лойиха қиймати кўп квартирали турар жойнинг мукаммал таъмирланиши смета қийматига, такрорланадиган мувофиқлаштириш қиймати эса газни ҳисобга олиш приборини монтаж қилиш қийматига киритилади.

28. Мавжуд турар жой фондида газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш ишларнинг кўрсатиб ўтилган турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган монтаж ташкилотлари томонидан контракт-шартнома асосида бажарилади.

29. Газни ҳисобга олиш приборлари уларнинг бутлигини ва техник ҳолатини кўз билан кўриб назорат қилиш учун хизмат кўрсатувчи ходимнинг приборнинг олдига бемалол бориши, шкала-рақамли қурилманинг кўрсаткичларини ёзиб олиш имкониятини таъминлайдиган, шунингдек хавфсизлик техникаси талабларига жавоб берувчи жойларга ўрнатилади.

30. Газни ҳисобга олиш приборини монтаж қилиш қиймати Истеъмолчи томонидан Газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш, унга техник хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш шартномасига мувофиқ тартибда ва муддатларда «Газтаъминот» шўъба корхонасига тўланади.

VI. Газни ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш

31. Газни ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

приборларнинг кўрсаткичлари ва техник ҳолатини назорат қилишни ўз ичига оловчи ҳисобга олиш приборларига техник хизмат кўрсатиши;

вакти-вақти билан текшириш ишларини;

приборларни таъмирлашни;

приборларни ўрнатиши ва ишдан чиқсан приборларни алмаштириши ўз ичига олади.

32. Истеъмолчи томонидан газни ҳисобга олиш прибори қиймати тўлиқ тўлангандан кейин газни ҳисобга олиш приборларига техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш газ етказиб бериш юзасидан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

33. Газни ҳисобга олиш приборларидан фойдаланишни, шу жумладан ўрнатиши, алмаштириш, техник хизмат кўрсатиш ва кўрсаткичларни назорат қилишни «Бошкоммунгаз» корхонасининг «Газтаъминот» шўъба корхоналари амалга оширадилар.

34. Ҳисобга олиш приборларини текшириш ва таъмирлаш ишлари тегишли текшириш асбоб-ускуналарига ва кўрсатиб ўтилган ишларни бажариш ҳукукини берувчи лицензияга эга бўлган ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

35. Газни ҳисобга олиш прибори Истеъмолчи томонидан тўлиқ сотиб олингунга қадар газни ҳисобга олиш приборидан фойдаланиш харажатлари «Бошкоммунгаз» корхонаси ҳисобидан тўланади.

36. Газни ҳисобга олиш прибори қийматини қоплаш ва уни ўрнатиш ҳақини тўлаш, газ учун ҳақ тўлаш, шу жумладан газни ҳисобга олиш приборларидан фойдаланганлик ва уларга техник хизмат кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлаш тартиби Истеъмолчи билан Газ етказиб берувчи ўртасида тузиладиган тегишли шартномаларда белгиланади.

VII. Газни ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш қоидалари ва нормалари бузилганлиги учун жавобгарлик

37. Газ етказиб берувчи газни ҳисобга олиш приборининг нормал ишлашини, унинг фойдаланиш хавфсизлиги техник шартларига мувофиқлигини, Истеъмолчига етказиб бериладиган газ хажмини ўлчашнинг аниқлигини таъминлайдиган етказиб берилаётган газ сифати учун жавоб беради. Газ етказиб берувчи газни ҳисобга олиш приборининг техник кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни, улардан самараали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ва шартларини, хизмат кўрсатиш (яроклилик) муддатини, техник кўрик ва текшириш синовлари даври ва муддатларини Истеъмолчига маълум қилиши шарт.

38. Пломбалар ва газ таъминотига техник ҳужжатларнинг сақланишини «Бошкоммунгаз» корхонасининг бўлинмалари назорат қиласидилар.

39. Ҳисобга олиш прибори пломбасининг бузилганлиги ва техник ҳужжатларнинг сақланиши учун жавобгарлик Истеъмолчига юкландади.

40. Пломба бузилган ва газ таъминотига техник ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда Истеъмолчи газнинг назоратчининг охирги ташрифидан бошлаб бир сутка-да 24 соат ҳисобидан келиб чиқсан ҳолда ўрнатилган газдан фойдаланиш жиҳозининг тўлиқ қиймати бўйича ҳисоблаб чиқилган қийматини, шунингдек таракорий текшириш синовлари ишлари қийматини тўлайди.

41. Ҳисобга олиш приборига кафолат муддати газни ҳисобга олиш прибори ўрнитилган вақтдан бошлаб белгиланади. Ҳисобга олиш приборида ишлаб чиқариш нуқсони ёки прибордан ўлчов воситаси сифатида фойдаланиб бўлмаслигига олиб келган

носозлик аниқланган тақдирда ҳисобга олиш прибори «Газтаъминот» шўъба корхоналари томонидан алмаштирилади.

42. «Бошкоммунгаз» корхонаси бўлинмалари ва газни ҳисобга олиш приборларига техник хизмат кўрсатувчи бошқа ихтисослашган ташкилотлар уч кун муддатда таъмирлашлари ёки, таъмирлаш мумкин бўлмаган тақдирда, носоз приборни Ўзбекистон Республикаси учун сертификатланган соз приборга алмаштириши, Истеъмолчига приборнинг техник шартларига мувофиқлигига доир тақорорий текшириш синовларига доир барча материаллар ва маълумотларни бериши шарт.

Истеъмолчи газни ҳисобга олиш прибори носозлиги тўғрисидаги ариза билан Газ етказиб берувчига мурожаат қилган вактдан бошлаб унинг тўлиқ тикланишигача бўлган даврда газ қийматини олдинги йилдаги ўртacha мавсумий газ истеъмолидан келиб чи-киб тўлайди.

43. Истеъмолчи ўрнатилган газни ҳисобга олиш приборларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, хизмат кўрсатувчи ходимнинг прибор ўрнатилган жойга тўсиқсиз ўтишини таъминлаши ва приборнинг кўрсаткичлари бўйича олинган газ қийматини амалдаги тарифларга мувофиқ белгиланган муддатларда тўлаши шарт. Приборнинг носозлиги аниқланган тақдирда Истеъмолчи бу хақда дархол Газ етказиб берувчини хабардор қилиши керак.

44. Газни ҳисобга олиш приборлари қасдан ишдан чиқарилган тақдирда Истеъмолчи газ таъминоти тизимидан узиб қўйилади ва газ бериш бузилган газни ҳисобга олиш приборлари Истеъмолчи маблағлари ҳисобига тузатилгандан кейин тикланади.

Газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳоллари аниқланган тақдирда айбор шахслар амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ жиноий жазогача жавобгарликка тортиладилар.

45. Газ етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида пайдо бўлувчи низолар бўйсунниш тартибида юқори турувчи ташкилот ёки суд томонидан, белгиланган тартибида ҳал этилади.

46. Мазкур Низомнинг, шунингдек Истеъмолчи билан Газ етказиб берувчи ўртасида тузилган Газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш, унга техник хизмат кўрса-тиш ва ундан фойдаланиш шартномаси шартларининг бузилиши белгиланган тартибида судга даъво аризалари бериш учун асос ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 28 мартағи 99-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Газни ҳисоблаш приборлари бўлмагандан
коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига бериладиган
табиий газ сарфининг ойлик нормалари**

Газ приборларининг тури ва газни сарфлаш мақсади	Ўлчов бирлиги	Газни сарфлаш нормаси, мар ойда куб/м ҳисобида
1. Марказий (якка тартибдаги) иссиқ сув таъминотига эга бўлган уйлардаги овқат тайёрлашга мўлжалланган майший газ плитаси	1 киши ҳисобига	11,0
2. Марказий иссиқ сув таъминоти ҳамда газ билан сув иситиш мосламалари бўлмаган уйлардаги овқат тайёрлашга мўлжалланган майший газ плитаси	1 киши ҳисобига	15,0
3. Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки иссиқ сув таъминоти вақти-вақти билан ишлайдиган уйлarda иссиқ сув таъминоти учун газ билан сув иситгич	1 киши ҳисобига	16,0
4. Газ билан иситиш приборининг туридан қатти назар, календарь йил мобайнида тенг миқдорларда беш ойлик иситиш мавсуми ҳисобидан уйлар, квартиralарни якка тартибида иситишда газдан фойдаланилганда:		
а) Қорақалпоғистон Республикасида ва Хоразм вилоятida	иситиладиган бинонинг 1 m^3 ҳисобига	2,5
б) Тошкент шаҳрида ва бошқа вилоятларда	-"-	2,4
5. Моллар учун озуқа тайёрлаш, дагал хашак ва илдизмеваларни буғлаш, шунингдек ичиши ва санитария мақсадлари учун сув иситишини ҳисобга олган ҳолда	бир бош мол ҳисобига: йилқилар учун қорамол, шу жумладан сигирлар учун чўчқалар учун қўй (эчки)лар учун	5,6 23,7 12,5 2,2

Изоҳлар:

- Бир киши ҳисобига иситиладиган бино нормаси 43 куб метр ҳажмида белгиланади. Иситиладиган бинонинг 43 куб метргачасини иситиш учун фойдаланилдиган газ миқдори учун — 1 киши ҳисобига белгиланган тариф бўйича, иситиладиган бинонинг 43 куб метрдан ортиқ ҳажми учун — бир ярим баравар миқдорда ҳак тўланади.
- Истеъмолчи (абонент)да иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки сув иситгич мавжуд бўлганда мазкур приборлар учун газ сарфи нормаси тегишли равища икки баравар ва ундан кўп оширилади.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан кам ёки кўп этиб белгиланган тақдирда истеъмолчилар (абонентлар) билан қайта хисоб-китоб қилинади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иқлим шароитларидан келиб чиқкан ҳолда ипак қурти етишириш билан шуғулланувчи шахслар учун иситиш мавсумини узайтириш хукуқига эгадирлар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 28 мартағи 99-сон қарорига
8-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой фондини сув ва газни хисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш, уларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 1 июндағи 280-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 6-сон, 30-модда):

1-банддаги «ва газни» сўзлари чиқариб ташлансин, «1-2-иловаларга» сўзлари «1-иловага» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг биринчи ва иккинчи хат бошидан «ва газни» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-банднинг учинчи хат бошидан «ва газни» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-илова чиқариб ташлансин;

3-илованинг газни хисобга олиш приборлари ишлаб чиқариш топширикларига доир қисми ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;

2 ва 3-иловалар тегишли равишда 1 ва 2-илова деб хисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун хисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 21 сентябрдаги 439-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 57-модда):

5-банд ва 2-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;

6-банднинг иккинчи хат боши чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

46 Ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пен сионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрса- тишни кучайтириш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 январдаги 30-сон қарори билан тасдиқланган «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурининг 3.9-бандини бажариш ҳамда ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига

бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш билан тўлиқ камраб олинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ижтимоий таъминот бўйламири орқали, меҳнат бўйламирида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш йўли билан, ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатишга жалб этиш топширилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатишга ижтимоий таъминот бўйламири орқали жалб этиладиган ишсиз фуқароларга иш ҳаки тўлаш (шу жумладан ижтимоий суфуртага ажратмалар) билан боғлик харажатларни маблағ билан таъминлаш Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ишсиз фуқароларни ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатишга жалб этиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, унда бир нафар ходим хисобига хизмат кўрсатиш нормативларини белгилаш, жалб этиладиган ишсиз фуқароларни уларнинг муайян контингентга хизмат кўрсатишга яроқлилиги ва хоҳишини хисобга олган ҳолда комиссиян йўл билан танлаш, ушбу ишларни ташкил этиш билан боғлик харажатларни Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари хисобидан қоплаш тартиби, шунингдек ижтимоий хизмат кўрсатишнинг тўлиқлиги ва сифатини самарали назорат қилиш механизми назарда тутилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 19 июлдаги 353-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 7-сон, 40-модда) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўйлан ёлғиз фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида» 2000 йил 29 июлдаги 288-сон қарори ўз кучини йўкотган деб хисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 29 март,
106-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 29 мартағи 106-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳақ тўланадиган жамоат
ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш
ҳақида» 1999 йил 19 июлдаги 353-сон қарорига
киритиладиган қўшимчалар**

Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 19 июлдаги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 40-модда) билан тасдиқланган Низомда:

— V қисм қўйидаги 26-банд билан тўлдирилсин:

«26. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган, меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган ишсиз фуқароларга иш ҳақи тўлаш харажатлари тўлиқ Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

— 26-банд 27-банд деб ҳисоблансин;

— «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг намунавий рўйхати»даги (Низомга 2-илова) «Иш мазмунни»нинг 4-банди «ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатиш ишлари» сўзлари билан тўлдирилсин.